ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ БАСЛЫҒЫ

**А.Данияровга**
**Халқ таълими вазирлиги**
**(А.Наримбетов)га**
**Мактабгача таълим вазирлиги**
**(Г.Бахиева)га**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**
**(М.Курбанов)га**
**Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига**

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўришингизни ва ижросини назоратга олишингизни сўрайман.

Бажарувчи: О.Сапаров
Б.Аймбетов

№ 6/710 **Ф.ЭРМАНОВ**
**28.03.2023й.**

Я. Утепов

---

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI
QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR BOSHQARMASI

230102, Nukus shahri, A.Utepov ko'chasi, r/a, Tel.: 61.224-70-10, Faks: 61.226-96-74 E-mail: info@fvb.uz, qrfvb@exat.uz,www.fvv.uz

2023 yil "28" 03 12/1/10-845 - son

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси**
**Ф. Эрмановга**

6/710 24
28 Март 23

**Ҳурматли Фарҳод Уразбаевич!**

Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Давлат ёнғин назорати органлари томонидан 2022 йилнинг ўтган 12 ойи давомида Қоракалпоғистон Республикаси ҳудудидаги вазирлик ва идораларга қарашли объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида ўтказилган профилактик тадбирларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги аниқланган.

Аммо, айрим объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар етарли даражада эмаслиги кузатилган.

Жумладан:

**Халқ таълим вазирлигига қарашли** Нукус шаҳри 46-сонли мактаб (директори М.Абдикаримов) мактабнинг электр сим ва кабеллари ташқи химоя қобиқларининг электр токига қарши чидамлилик даражаси синовдан ўтказилмаган, электр ток тармоқлари «Электр ускуналарини ўрнатиш қоидаси»га мувофиқ монтаж қилинмаган, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан тўлиқ таъминланмаган, автоматик тарзда ёнғиндан хабарловчи ускуналар қайта техник кўрикдан ўтказилмаган носоз ҳолда, бино чиқиш эшикларига ёриқлантирувчи "ЧИҚИШ" "ВЫХОД" таблолари билан таъминланмаган, ёғоч конструкцияларининг ёниш хусусиятини пасайтирувчи кимёвий моддалар билан ишлов берилмаган.

Нукус шаҳри 13-сонли мактаб (директори Г.Садирова) мактабнинг автоматик тарзда ёнғиндан хабарловчи ускуналар қайта техник кўрикдан ўтказилмаган носоз ҳолда, электр сим ва кабеллари ташқи химоя қобиқларининг электр токига қарши чидамлилик даражаси синовдан ўтказилмаган, электр ток тармоқлари «Электр ускуналарини ўрнатиш қоидаси»га мувофиқ монтаж қилинмаган, ёғоч конструкцияларининг ёниш хусусиятини пасайтирувчи кимёвий моддалар билан ишлов берилмаган, ички ёнғин ўчириш жўмраклари ўрнатилмаган.

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
DEN SAWLIQTI SAQLAW
MINISTRLIGI
KIRIS №08/306
"31" 03 2023 j.

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI DEN SAWLIQTI SAQLAW MINISTRLIGI
QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
"4" 04 2023 y.
№ 04/1205
NO'KIS q. NUKUS sh.

**Барча ТТБ бошлиқларига**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2023 йил 28 мартдаги 6/710-сонли ва Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг 2023 йил 28 мартдаги 12/1/10-845-сонли хатида кўрсатилган ТТБлар ва унинг таркибидаги тиббиёт объектларида аниқланган камшиликларни бартараф этиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли маблағлар ажратилиши, амалга оширилиши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ҳамда амалга оширилгани бўйича 2023 йил **10 апрел** кунига қадар вазирликга ёзма равишда маълумот берилсин.

**Илова 9 варақ.**

**Вазирнинг ўринбосари** **Т.Сарбаев**